

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АМИНБОЙ ГУЛМИРЗАЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАНИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Аминбой Гулмирзаевич

Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг
иқтисодий-географик хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида) 3

Абдуллаев Аминбай Гулмирзаевич

Экономико-географические особенности развития и размещения
пищевой промышленности (на примере Хорезмской области) 19

Abdullayev Aminbay Gulmirzayevich

Economic-geographical features of the location and development of the
food industry (In the case of Khorezm region) 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АМИНБОЙ ГУЛМИРЗАЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАНИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/G3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (nauka@nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович
география фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Комилова Нилуфар Қаршибоевна
география фанлари доктори

Эгамбердиев Фармонкул Турсунқулович
иктисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, Геология ва география факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.ф.н.

Б.А.Бахритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва кескин рақобатчилик, аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, хусусан, «2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси 10 миллиард кишига етиши натижасида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида интенсив тарзда хомашё етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳудудий таркибини такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш шаклларида фойдаланишни тақозо қилмоқда».¹ Бу ўз навбатида, озиқ-овқат саноати тармоқларининг жойлаштириш ўрни ва усулини тўғри танлашни ҳамда рақобатбардош истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластер тизимидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Жаҳонда ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришда, ишлаб чиқариш тизимлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ўртасидаги ўзаро оптимал нисбатини таъминлашда тармоқ кластерларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Дунёда ва республикамизда замонавий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, тармоқ учун хомашё етиштириш, маҳаллий хомашёни технологик жиҳатдан чуқур қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини оширишда тармоқ кластерлари ва логистик марказларни ташкил қилиш ҳамда шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аҳолини экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, унинг хомашё базасини янада мустаҳкамлаш, қайта ишлаш соҳасини модернизация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини диверсификациялаш, республиканинг экспорт имкониятларини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада маҳаллий хомашё асосида ички истеъмол талаблари таъминланиб, аҳоли эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларнинг бир қисmini жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали муҳим иқтисодий самарага эришилди. Таъкидлаш керакки, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ички ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда тўлиқ цикли озиқ-овқат саноати тармоқлари технологик занжирини ҳудудий ташкил этишнинг илмий таъминотига етарлича эътибор қаратилмаган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини

¹ БМТ ФАО ташкилотининг барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ошириш бўйича стратегик ишлари <http://www.fao.org>.

реконструкция ва модернизация қилиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилишга...»² қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу эса сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мазкур тармоқни ривожлантириш ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда кластер тизимидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505-сон «2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716-сон «2017-2018 йилларда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, музлаткичли сақлаш, ҳамда қадоқлаш материаллари ишлаб чиқаришни чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури» тўғрисидаги Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш соҳалари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши масалалари, айниқса қайта ишлаш саноатининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини тадқиқ этишнинг назарий услубий асосларини ўрганишга хорижлик олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, М.Портер, И.Тюнен, В.Кристаллер, А.Вебер, Г.Мюрдаль; МДХда Н.Н.Колосовский, В.В.Кистанов, А.Т.Хрушев, К.И.Иванов, Ю.Г.Саушкин ва бошқалар жуда катта ҳисса қўшган. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалари М.Абдусаломов, З.М.Акрамов, Қ.Н.Абирқулов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.М.Садиков, А.Т.Юсупов, А.А.Қаюмов, А.Н.Рўзиев, Ф.Т.Эгамбердиев, Ҳ.А.Абдуназаров, А.Қ.Абирқулов, М.М.Паязов,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Р.И.Эгамбердиев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Аммо, юқорида номлари келтирилган олим ва тадқиқотчилар ишларида озиқ-овқат саноати ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши кўп жиҳатдан умумий тарзда тадқиқ этилган. Бундан ташқари, Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати алоҳида тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг илмий ишларида бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари хомашёсини қайта ишловчи саноат тармоқлари ҳудудий кластерини яратиш, тармоқ таркибини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар чуқур ўрганилмаган. Бу эса тадқиқот йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-1-42 рақамли «Иқтисодиётни чуқур либераллаштирилиши шароитида минтақани комплекс ривожлантиришнинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти озиқ-овқат саноатининг ижтимоий-иқтисодий, табиий омилларини баҳолаш асосида, унинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш ҳамда вилоятда республика озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини яратиш бўйича илмий асосланган амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

озиқ-овқат саноати ривожланиши, ихтисослашуви ва мужассамлашувига хос умумий ва ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш;

вилоят аҳолисининг тармоқ маҳсулотлари билан таъминланганлиги ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини илмий изоҳлаш;

вилоятда озиқ-овқат саноатининг ҳудудий кластерини яратиш ва таркибини такомиллаштириш истиқболлари бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати тармоқлари ва уларнинг ҳудудий таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини иқтисодиётни модернизациялаш шароитида озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерларини яратишнинг иқтисодий-географик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анкета-сўровнома, географик таққослаш, картографик, кластер, ҳудудий таҳлил, баланс, статистик, экстраполяция, экологик ва тизимли ёндашув, SWOT таҳлил усулларида фойдаланилган. Карталар махсус «ArcGIS» дастуридан фойдаланган ҳолда яратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республикада озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини барпо этишда «хомашё – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот» ишлаб чиқариш жараёнининг самарали иқтисодий-географик тузилмаси ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат саноати таркибини ривожлантиришда илк бор логистика марказларини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, ички (ўзига хос мева-сабзавотлар олма (карвак олма), узум, қовун (гурвак), гуруч ва қизилмия томири етиштирилиши) ва ташқи (Ҳазорасп эркин иқтисодий зонаси, транспорт инфратузилмаси, ташқи бозорда истеъмолчилар мавжудлиги) имкониятлари иқтисодий-географик жиҳатдан асосланган;

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ва унга хомашё етказиб берувчи тармоқларининг ҳудудий коэффицентлари аниқланган ҳамда ГАТ маълумотлар базаси асосида хариталари ишлаб чиқилган;

кластерларни ташкил этишда ривожланган давлатларнинг кластер ёндашувидаги инновацион тажрибалари ҳамда ҳудудий хусусиятларни умумлаштириш асосида озиқ-овқат саноати кластери тизими иқтисодий-географик жиҳатдан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудуднинг табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларини баҳолаш асосида республика озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини барпо этишнинг самарали иқтисодий-географик тузилмаси ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат саноати таркибини ривожлантиришда логистика марказларини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, ички ва ташқи имкониятлари иқтисодий-географик жиҳатдан асосланган;

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ва унга хомашё етказиб берувчи тармоқларининг ГАТ хариталари ишлаб чиқилган;

ривожланган давлатларнинг кластер ёндашувидаги инновацион тажрибалари ҳамда ҳудудий хусусиятларни умумлаштириш асосида озиқ-овқат саноати кластери тизими иқтисодий-географик жиҳатдан такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда озиқ-овқат саноати ва унга хомашё етказиб берувчи ташкилотлар ва муассасалар ҳисоботларидан фойдаланганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий-асосланган манбалардан олингани, ўтказилган сўровноманинг анкета шаклига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишини турли хил замонавий

тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш ва баҳолаш йўли билан унга энг мақбул бўлган тармоқчалар ва ишлаб чиқариш йўналишларини аниқлашга даставвал талаб ва таклиф категориялари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида оптимал ихтисослашув ва концентрациялашув даражаси аниқланиши, шунингдек, тармоқда кластер тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озиқ-овқат саноати ривожланишида аниқланган ўзига хос хусусиятлар, тармоқ таркибини такомиллаштиришда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан илмий манба сифатида тегишли илмий тадқиқот ишларида, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва жойланишининг иқтисодий географик хусусиятлари бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида:

Озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини барпо этишда «хомашё – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот» шаклида иқтисодий-географик жиҳатдан ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш таклифи «Ўзбекизовқатхолдинг» холдинг компанияси томонидан фойдаланилган («Ўзбекизовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2017 йил 1 декабрдаги АК/08-3619-сон маълумотномаси). Натижада озиқ-овқат саноатини кластерлаштириш тизимида «хомашё – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот» шаклида ишлаб чиқариш имконини берган.

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати таркибини ривожлантиришда логистика марказларини барпо этиш бўйича иқтисодий-географик жиҳатдан асосланган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги АД-5-2/20-20-3930-сон маълумотномаси). Натижада вилоятнинг Урганч шаҳри ва Қўшқўпир туманида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи уни сақловчи музлатгичли омборларни, Урганч туманида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи савдо-логистика марказларини ташкил этиш имконияти яратилган.

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ва унга хомашё етказиб берувчи тармоқларининг ГАТ маълумотлар базаси асосида ишлаб чиқилган хариталар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 21 сентябрдаги 03-05-8082-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф «Хоразм вилояти ўлкашунослик атласи» даги «Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги харитаси» шу билан биргаликда «Мева ва резавор экинлари харитаси», «Сабзавот экинлари харитаси»,

«Полиз экинлари харитаси» ва «Чорвачилик харитаси» (2013-2014 йй.) махсус мазмунини ишлаб чиқишда, илк бор тузилган Хоразм вилояти «Аҳоли харитаси», «Иқтисодий харитаси», «Саноат харитаси» ни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилган.

Кластер ёндашувидаги ривожланган давлатларнинг инновацион тажрибалари ҳамда ҳудудий хусусиятларни умумлаштириш асосида озиқ-овқат саноати кластери тизимини иқтисодий-географик жиҳатдан такомиллаштиришнинг самарадорлиги Ф-1-42 «Иқтисодиётни чуқур либераллаштирилиши шароитида минтақани комплекс ривожлантиришнинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳасида тармоқ кластерларини ташкил этишда ижтимоий-иқтисодий омилларини баҳолаш, иқтисодий-географик хусусиятларни аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги ФТА-02-11/747-сон маълумотномаси). Натижада, озиқ-овқат саноати тармоғида инфратузилма мажмуини шакллантириш, кластерларни самарали ташкил этиш ва ҳудудни комплекс ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишининг илмий-назарий асослари, бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳозирги кун нуқтаи назаридан ёритилган. Мазкур бобда Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида саноат ишлаб чиқаришининг даврий ривожланиш


хусусиятлари, республикада соҳа бўйича амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий амалиётлар таҳлил қилинди. Маълумки, ўтган аср иккинчи ярмида жаҳонда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш амалиётлари такомиллашиб ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, сўнгра ҳудудий кластерлар жорий этила бошланди. Ҳудудий кластерларнинг шаклланиши фан-техника инқилоби йўналишлари ва таянч соҳалар рақобатбардошлигини ошириш тарзида оммалашиб бормокда. Тадқиқот ишида қайта ишлаш тармоқларини, хусусан, стратегик аҳамиятга эга ва хомашё базаси мавжуд республика озиқ-овқат саноати ҳудудий кластери Хоразм вилояти бўғинини яратиш ва SWOT таҳлил орқали унинг истиқболли соҳалари аниқланиб озуқа истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариши соҳаларини локализациялаш ва кластери модели илгари сурилди.

Диссертациянинг **«Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ривожланиши, ҳудудий ихтисослашуви ва мужассамлашувига хос умумий ва ҳудудий хусусиятлар»** деб номланган иккинчи боби Хоразм вилоятида озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва жойланиши, тармоқнинг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни, озиқ-овқат саноатининг ҳудудий ихтисослашуви ва мужассамлашуви ўрганилган.

Вилоят озиқ-овқат саноати илк корхоналари XIX асрнинг сўнги чорагида барпо этилган. XX аср 2-ярмида ҳозирда мавжуд шакар саноатидан бошқа барча тармоқлар, хусусан, ёғ-мой, ун-крупa, нон ва қандолат маҳсулотлари, сут-гўшт комбинатлари, мева-сабзавот консерва, пиво, ароқ-шароб корхоналари барпо этилди. Ушбу даврда саноат тармоқларининг маҳаллий хомашёга таянган сут-гўшт, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ички истеъмол қилиш билан бир қаторда, экспортга ҳам йўналтирилган бўлса, ун саноати эса бунинг акси бўлиб, хомашё бутунлай ташқаридан олиб келинган ҳолда ички истеъмолга қаратилган. XX аср 90 йилларида юзага келган сиёсий-иқтисодий инқироз ушбу тизимни издан чиқарди. Горизонтал иқтисодий алоқаларнинг издан чиқиши, аҳоли даромадининг пасайиши, хомашё тайёрлаш (сут, гўшт, мева, сабзавот) марказлашган тизимнинг ишдан чиқиши йирик ишлаб чиқаришни самарасиз қилиб қўйди. Вилоятда ёғ-мой, ун-нон, ароқ-шароб саноатидан бошқа тармоқларда ишлаб чиқариш кескин қисқарди, бутун республикада бўлгани каби озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юзага келди.

Юқоридаги ҳолат бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида кучли озиқ-овқат сиёсатининг амалга оширилиши, истеъмол бозорини маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилишига олиб келди. Ғалла майдонлари кескин кенгайтирилди, юзлаб катта-кичик, йирик «Боғот дон» АЖ ва «Хоразм шакар» АЖ қўшма корхоналари ишга туширилди. Шунга қарамай, озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариши вилоятда суст ривожланган. Қурилиши билан вилоят озиқ-овқат саноати таркибида етакчи ўринга чиқиб олган шакар саноати улуши бу ҳолатни яққол ифодалайди.

Хоразм вилояти озик-овқат саноати харитаси



1 - расм. Хоразм вилояти озик-овқат саноати харитаси.


Вилоят озиқ-овқат саноати йирик корхоналари асосан шакар (62,0 %), алкогольсиз ичимликлар (18,0 %), ун (14 %) ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Озиқ-овқат саноати вилоят саноатининг 20,6 фоиз маҳсулотини (2015 й.) беради.

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати харитаси орқали тармоқнинг иқтисодий-географик хусусиятларини кўриш мумкин. Вилоят озиқ-овқат саноати тармоқлари таркибида асосан Урганч шаҳри ва тумани ҳиссаси мос ҳолда 27 ва 37 фоизни ташкил этади. Ушбу ҳудудларда асосан йирик корхоналарнинг мавжудлиги ҳамда марказда жойлашганлиги сабабли тармоқ ишлаб чиқаришидаги улуши ҳам шунга мос. Кейинги ўринларни Хонқа, Шовот ва Боғот туманлари эгаллайди. Ушбу туманлар ҳудудидан асосий темир йўл, автомобиль артериялари ўтганлиги ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қулай шароит яратган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, вилоят озиқ-овқат саноати ҳудудий таркиби мукаммал эмас (1-расм).

Диссертациянинг **«Хоразм вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги ва тармоқни ривожлантиришда хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари»** деб номланган учинчи бобида Хоразм вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлигининг ҳозирги ҳолати, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаби мамлакатнинг табиий ресурслари, иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқот давомида, вилоятда озиқ-овқат хомашёси ҳажми ва аҳоли жон бошига тайёрлаш кўлами ортиб боргани аниқланди (1-расм).

Аммо ушбу маҳсулотларнинг аксарияти қайта ишланмаган ҳолда аҳоли дастурхонига етиб боради. Вилоят аграр-индустриал иқтисодиётга эгаллиги ва ушбу маҳсулотлар экспортга чиқарилишини ҳисобга олсак, юқоридаги маълумотлар нисбий эканлиги маълум бўлади. Вилоятда озиқ-овқат саноати хомашёсининг (шакар, ёғ-мой, ароқ-шароб саноатидан ташқари) деҳқон хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилиши ва турли сифат ҳамда кичик миқдорда тайёрланаётганлиги соҳада йирик ишлаб чиқаришни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда ва шу боис сут, гўшт, мева-сабзавот консерва ва бошқаларда ишлаб чиқариш кичик бизнес ва тадбиркорлик секторида тўпланган. Ушбу ҳол озиқ-овқат саноати ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини яратиш ва таркибини такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланган тўртинчи бобида Хоразм вилоятида озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини яратиш, тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хоразм вилоятида ҳозирги даврда озиқ-овқат саноатини ривожланган АСМ тарзида



2-расм. Хоразм вилоятининг таклиф этилаётган озиқ-овқат саноати кластери таркибий тузилиши.³

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шакллантириш имконияти мавжуд аммо ҳудудий кластерини яратиш омиллари чекланган (2-расм).

Бунинг боиси вилоятда қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат хомашёсини етиштириш тармоқлари ва озиқ-овқат саноати соҳасида технологияларни ривожлантириш, илмий текшириш институтлари ёки уларнинг филиаллари барпо этилмаган. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати заиф ривожланган ва тармоқ доирасида кластер яратувчи йирик хусусий сармоя мавжуд эмас. Шу боис ҳозирги босқичда, вилоятда республика озиқ-овқат кластерининг минтақавий бўғинини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоят озиқ-овқат саноатини ўрганиш шуни кўрсатадики, саноат тармоқлари заиф ривожланган. Иқтисодий географик таҳлиллар жараёнида вилоят озиқ-овқат саноатида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- бозор иқтисодиёти шароитида жойларда йирик ишлаб чиқариш барҳам топди;
- аста-секинлик билан саноат тармоғининг аксарият соҳаларида (ун-ёрма, ёғ-мой, шакар, алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқаришдан ташқари) ишлаб чиқариш кичик бизнес соҳасида йиғила бошланди;
- ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида эски технологиялардан фойдаланилиш ҳолатлари кузатилади;
- ишлаб чиқаришда марказлашув кучайди, тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Урганч шаҳри ва Урганч туманида тўпланиб қолди;
- саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажми қисқарган бўлса-да, ассортименти кенгайди;
- маҳаллий хомашё билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш қувватлари юзага келди.

Ушбу ҳол вилоятда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, тармоқ кластерини қуйидагича босқичма-босқич шакллантиришни талаб этади:

биринчи босқичда (2017-2022 йиллар) озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан турли консерва, шарбат маҳсулотларини ташқи бозорга йўналтирувчи қувватларини барпо этиш тавсия этилади. Хусусан, темир моддасига бойитилган ун, қора ун маҳсулотлари, йодланган туз ишлаб чиқаришни рағбатлантириш шулар қаторига киради;

2023-2027 йилларни қамраган иккинчи босқичида вилоятда озиқ-овқат саноати экспортга йўналтиришга катта аҳамият бериш лозим. Хусусан, сут ва гўшт саноати озиқ-овқат маҳсулотларига тенглаштирилган ярим маҳсулот ҳамда таркиби бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш асосий ўрин тутиши лозим. Айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда табиий маҳсулотлар тайёрлаш анъанаси кучаяётган бўлса-да, аҳолини хилма-хил эҳтиёжини қондириш ёки янги

эҳтиёжларини яратишда озиқ-овқатга тенглаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам катта аҳамият касб этади;

2028-2032 йилларни ўз ичига олган учинчи босқичида ички истеъмолни маҳаллий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқатлари билан тўла таъминлашга эришиш ҳамда вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашни тармоқларда 25 фоиздан 75 фоизгача етказиш, озиқ-овқат маҳсулотларига тўла товар хусусият берувчи амалиётларни жорий этиш талаб этилади.

ХУЛОСА

Диссертацияда озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг иқтисодий-географик хусусиятлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни қилишга имконият яратади:

1. Хоразм вилоятида озиқ-овқат саноати хомашёсига қайта ишлов берилиш даражаси паст. Озиқ-овқат маҳсулотлари вилоятдан ташқарига асосан қайта ишланмаган, табиий ҳолатда чиқарилади, фақат ёғ-мой олиш мақсадида пахта хомашёсига юқори даражада қайта ишлов берилади. Шакар саноати хомашёси хориждан келтирилади. Мева ва сабзавот консерваси, қуритилган ва турли даражада қайта ишланган мева, сабзавот ва зираворлар деярли ишлаб чиқарилмайди. Гўшт ва сутни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ҳам жуда паст. Сифатли колбаса, сут маҳсулотлари четдан олиб келинади.

2. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноатида ун-ёрма, ёғ-мой, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар, шакар ишлаб чиқариш саноати йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, қолганлари кичик бизнес секторида мужассамлашган. Озиқ-овқат саноатининг вилоят саноатидаги улуши 18-20 фоизга тенг, аммо тармоқ ва ҳудудий таркиби номукамал, соҳа қувватининг 20 фоиздан ортиғи Урганч шаҳрига тўғри келади. Вилоятда гўшт ва сутни қайта ишлаш, консерва, қандолат, нон ишлаб чиқариш саноат тармоқлари суст ривожланган.

3. Урганч шаҳри ёғ-мой, ун-нон, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар, сут, гўшт маҳсулотларига, Ҳазорасп тумани шакар, Шовот, Хонқа, Урганч, Боғот туманлари ун-ёрма ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қолган туманларда озиқ-овқат саноати суст ривожланган, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тегишли саноқли цехлар мавжуд.

4. Хоразм вилоятида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш босқичма-босқич, бевосита вилоят агроиқлимий шароити ва ресурсларидан келиб чиқиб ёғ-мой, мева-сабзавот, полиз, ўрик, қовун, қовоқ, узум, сут ва гўшт маҳсулотларини турли даражада қайта ишловчи республика кластери сегментини яратишдан тортиб келажакда мустақил, айна вақтда, республика иқтисодиётини тўлдирувчи кластери тизимини яратиш лозим.

5. Хоразм вилоятида озиқ-овқат кластери ёки унинг минтақавий бўғинини шакллантириш жараёнида ишлаб чиқариш ҳудудий таркиби ва ихтисослашувини такомиллаштириш, ички озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини барқарорлаштириш баробарида экспорт салоҳиятини шакллантирувчи соҳаларни ривожлантириш талаб этилади.

6. Иқлимий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ҳудуд қишлоқ хўжалигида даставвал деҳқончилик тармоқларида экинларни интенсив тарзда етиштириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига озиқ-овқат саноати

тармоқларини хомашё билан таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотни ўз ҳолича ёки ярим тайёр ҳолатда экспорт қилиш муҳим аҳамият касб этади. Худудда чиқиндисиз технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналарни қуриш, деҳқончиликда кам сув сарфлаб нисбатан юқори ҳосил олишни таъминловчи хориж технологияларидан фойдаланиш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўли билан соҳада иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

7. Истеъмол меъёрлари бўйича вилоятда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаби асосий турлари бўйича меъёр даражасидан анча ортиқ, фақат тухум, балиқ маҳсулотларини етиштиришни ошириш талаб этилади. Ушбу тармоқларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари катта, айтилиши вақтда гўшт, сут, сабзавот ва полиз маҳсулотларини бир неча марта кўп ишлаб чиқариш ва уларни табиий равишда қайта ишлашнинг имкониятлари мавжуд.

8. Вилоятнинг қулай транспорт географик жойлашувига эга озиқ-овқат саноатининг собиқ корхоналари қувватларини қайта тиклаш, Урганч шаҳрида ва темир йўл артериясига туташ Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Урганч ва Шовот туманларидаги йирик аҳоли пунктларида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ярим ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, экспорт қилиш логистика марказларини барпо этиш тавсия этилади.

9. Ўзбекистон Республикасида енгил, озиқ-овқат саноати, оммавий машинасозлик кластерларини шакллантириш учун барча шароитлар мавжуд. Республикада мавжуд илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида замонавий технологияларга оид билим ва кўникмалар билан қуроллантирилган кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва уни ишлаб чиқариш билан корпоратив ҳамкорлик кластерини шакллантириш долзарб масала саналади. Республика ва унинг ҳудудларида ривожланган озиқ-овқат кластерини шакллантириш, энергия ишлаб чиқариш циклини тўла охирига етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВ АМИНБАЙ ГУЛМИРЗАЕВИЧ

**ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ И
РАЗМЕЩЕНИЯ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ
(НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/G3

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (nauka@nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.).

Научный консультант:	Каюмов Абдухаким Абдухамидович доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Комилова Нилуфар Каршибоевна доктор географических наук Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Нукусский Государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Геолого-географический факультет Национального университета Узбекистана.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол рассылки №___ от «___» _____ 2017 года.)

Н.И.Сабитова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.н.

Б.А.Бахритдинов
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобализация мировой экономики и острая конкуренция, непрерывный рост населения, в частности, тот факт, что «к 2050 году его численность в мире достигнет 10 миллиарда человек, требуют улучшения обеспеченности потребителей качественной продовольственной продукцией, интенсификации сельскохозяйственной отрасли, использования новых производственных форм, совершенствования региональной структуры производства пищевых продуктов».¹ А это, в свою очередь, предъявляет требования к правильному выбору мест и способов размещения отраслей пищевой промышленности, к производству конкурентноспособной продовольственной продукции, к формированию инновационной экономики и эффективному использованию кластерной системы в управлении производством.

Во всём мире в управлении производственными ресурсами, в обеспечении оптимального взаимодействия между производственными системами и обменом пищевых продуктов создание отраслевых кластеров является актуальной задачей. В мире и в нашей стране развитие пищевой промышленности, производящей современные потребительские товары, сырья для отрасли осуществляющей глубокую технологическую переработку у местного сырья, в повышении экспортного потенциала создание и формирование отраслевых кластеров и логистических центров является одной из актуальных задач.

После обретения независимости в целях удовлетворения спроса населения на экологически чистую и качественную пищевую продукцию, в нашей стране проведены широкомасштабные работы по развитию отраслей пищевой промышленности, дальнейшему укреплению её сырьевой базы, модернизации перерабатывающей отрасли, диверсификации пищевых продуктов. В результате этого на основе местного сырья был удовлетворен внутренний продовольственный спрос и обеспечен экспорт части продукции. Нужно подчеркнуть, что не уделено должного внимания вопросам рационального использования внутренних ресурсов и научному обеспечению территориальной организации технологических цепочек пищевой промышленности с целью удовлетворения спроса населения на качественные пищевые продукты. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указаны такие важные задачи, как «...реализация инвестиционных проектов по строительству новых, реконструкции и модернизации действующих перерабатывающих предприятий, оснащенных самым современным высокотехнологичным оборудованием по глубокой переработке сельхозпродукции, производству полуфабрикатов и готовой пищевой

¹ Стратегические работы организации ФАО ООН по повышению устойчивого производства пищевых продуктов <http://www.fao.org>.

продукции, а также тароупаковочных изделий, дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленная на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего, по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»². А это требует производства качественных пищевых продуктов, эффективного использования кластерной системы в развитии отрасли и совершенствования её региональной структуры.

Кроме того, данное диссертационное исследование в определенной степени послужило основой для реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, ПП-2505 Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию сырьевой базы, углублению переработки плодоовощной и мясомолочной продукции, увеличению производства и экспорта продовольственных товаров в 2016-2020 годах» от 5 марта 2016 г, ПП-2716 Постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему углублению переработки и создания мощностей по хранению плодоовощной продукции в 2017-2018 годах» от 6 января 2017 года, ПП-2731 Постановления Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017-2021 годы» от 18 января 2017 г, а также других задач, определенных в соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Большой вклад в изучение теоретических и методологических основ развития и территориальной организации отраслей перерабатывающей промышленности внесли такие зарубежные ученые, как А.Смит, Д.Рикардо, М.Портер, И.Тюнел, В.Кристаллер, А.Вебер, Г.Мюрдаль; из стран СНГ - Н.Н.Колосовский, В.В.Кистанов, А.Т.Хрушев, К.И.Иванов, Ю.Г.Саушкин и др. Теоретические и практические задачи, связанные с развитием промышленного производства, в частности, пищевой промышленности и переработки сельскохозяйственных продуктов в Узбекистане, отражены в научных работах М.Абдусалымова, З.М.Акрамова, О.Б.Ата-Мирзаева, А.С.Салиева, А.М.Садыкова, А.Т.Юсупова, А.А.Каюмова, А.Н.Рузиева, Ф.Т.Эгамбердиева, Х.А.Абдуназарова, К.Н.Абиркулова, М.М.Паязова и других ученых. Но в

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

работах вышеприведенных ученых и исследователей развитие и территориальная организация пищевой промышленности в большой степени изучены более обобщенно. Кроме того, пищевая промышленность Хорезмской области изучена недостаточно.

В научных работах вышеуказанных ученых слабо освещены проблемы, связанные с созданием территориальных кластеров перерабатывающих отраслей промышленности в отдельных регионах в условиях рыночной экономики. А это послужило основой в определении направления настоящего исследования.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального государственного проекта исследований Ургенчского государственного университета Ф-1-42 на тему «Разработка эффективных программ комплексного развития региона в условиях углубленной либерализации экономики» (2012-2016 гг.).

Целью исследования является разработка научно обоснованных практических рекомендаций по созданию в области регионального кластера пищевой промышленности и совершенствованию его территориальной структуры на основе оценки влияния социально-экономического и природного факторов на пищевую промышленность Хорезмской области.

Задачи исследования:

анализ и систематизация научно-теоретических основ развития и размещения пищевой промышленности;

определение и оценка общих и территориальных особенностей, свойственных развитию, специализации и концентрации пищевой промышленности;

научное обоснование вопросов обеспечения населения области продукцией отрасли и эффективного использования сырьевых ресурсов;

разработка научно-практических рекомендаций и предложений по перспективам создания в области территориального кластера пищевой промышленности и совершенствованию его структуры.

Объект исследования. Пищевая промышленность Хорезмской области и её территориальная структура.

Предметом исследования являются экономико-географические особенности создания территориальных кластеров пищевой промышленности в условиях модернизации экономики.

Методы исследования. В диссертационной работе использованы методы анкетирования, сравнительно-географический, пространственного анализа, балансовой, статистической, экстраполяции, экологического и системного подходов, SWOT-анализа. При создании карт была использована специальная программа «ArcGIS».

Научная новизна исследования заключается в следующем:

разработана эффективная экономико-географическая структура производственного процесса «сырье – переработка – готовая продукция» в создании территориального кластера пищевой промышленности в республике;

впервые с экономико-географической точки зрения обоснованы внутренние (выращивание таких специфических фруктов и овощей, как яблоко (сорта карвак), виноград, дыня (сорта гурвак), рис и корня солодки) и внешние (Хазараспская свободная экономическая зона, транспортная инфраструктура, наличие потребителей во внешнем рынке) возможности, а также свойства создания территориальных логистических центров в развитии структуры пищевой промышленности;

разработаны карты пищевой промышленности Хорезмской области и её отраслей, поставляющих сырье, с учетом базы данных ГИС;

